*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

**«Пахта Банк»нинг Бухоро вилоят бошқармасида бугунги кунда 5930 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилмоқда. Яъни ўтган йилга нисбатан мижозлар сони 694 тага ошди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони эса 282 тага кўпайди. Тижорат ва хусусий банклар ўртасида рақобат ривожланган ҳозирги пайтда бунга қандай эришилди?**

# БАНККА БЎЛГАН ИШОНЧ

## туфайли мижозлар кўпаймоқда

Биринчидан, банкнинг кредит қўйилмалари миқдори йил бошига нисбатан 1 миллиард 59,8 миллион сўмга ўсди. Бу эса ўз навбатида мижозларга қарз бериб туриш имкониятини кенгайтирди. Хусусан, ўтган давр ичида жами 3 миллиард 407,8 миллион қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес субъектларига катта эътибор берилди. Масалан, ўтган етти ой ичида уларга берилган қарз миқдори 643 миллион сўмдан ошиб кетди. Шундан 457 миллион сўмга яқини микрокредитларни ташкил этди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Шофиркон туманидаги «Ибод бобо» фермер хўжалиги раҳбари Ориф Рашидов шундай ҳикоя қилади.

— Фермер хўжалигимиз 1995 йилда ташкил қилинган. Илгари ҳисоб-рақамим «Тадбиркор-банк»да эди. Лекин уларнинг қарз бериш имкониятлари чегараланганди. Шу боис бултур ҳисоб-рақамимни «Пахта Банк»ка кўчирдим. Натижада шу йилнинг феврал ойида банкнинг Шофиркон туман бўлими томонидан 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шунинг 3,5 миллион сўмига 1 та трактор, 1,5 миллион сўмига 10 бош зотли қорамол сотиб олдим. Ҳозирги кунда қорамоллар сони 105 бошга етди. Бундан ташқари 780 бош қўй ва эчки, 10 бош от, 10 бош туяни парвариш қилаяпман. Бунинг учун ҳокимият менга туманнинг «Муаллиж» мавзесидан 2200 гектар яйлов ажратиб берди.

Қарз ҳисобига сотиб олинган тракторни пахта ва ғалла далаларида самарали ишлатмоқдаман. 26 гектар ерда ғалла етиштириб, 9 миллион 400 минг сўм даромад қилдим. Шундан 4 миллион 200 минг сўми соф фойда. Айни кунларда хўжалик аъзолари 34 гектар пахта майдонидан 138 тонна оқ олтин етиштириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Энг муҳими, кредитга олинган техника ҳисобига 650 минг сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Умуман олганда, бошқарманинг шу йил кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш ҳисобига 341 та ишчи ўринлари яратилди. Тадбиркорлар томонидан 451,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ишбилармонларни кредитлашда бюджетдан ташқари жамғармалардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун ўтган 7 ой давомида юқоридаги фондлар ҳисобидан 88,5 миллион сўм миқдорида тадбиркорларга имтиёзли кредитлар берилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг дастлабки сармоясини шакллантириш мақсадида «Бизнес фонд» деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 20 миллион сўм қарз ажратилди.

Иккинчидан, банк мижозларга лизинг асосида хизмат кўрсатишни ҳам яхши йўлга қўйган. Масалан, жорий йилнинг 7 ойида 6 та хўжалик билан лизинг шартномалари имзоланди. Уларга 60,8 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиб берилди. Натижада хўжаликлар пахта ва ғалла экинларига ишлов беришни ўз вақтида бажариш имкониятига эга бўлдилар.

Учинчидан, мижозларга кўрсатилаётган банк хизмати турларини кўпайтириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида жойларда бир нечта мини банклар очилди. Ромитан, Қоракўл ва Қоровулбозор туманларидаги кичик банклар шулар жумласидандир. Бундан ташқари «Пахта Банк» бўлимлари томонидан хўжаликларнинг 40 тасида ҳисоб-китоб ишлари махсус дастур асосида компьютер орқали амалга оширилмоқда. 50 та ширкат ва жамоа хўжаликларида эса «Банк-Мижоз» модем алоқаси ўрнатилган. Ғиждувон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги, «Зарафшон» фермер хўжаликлари уюшмаси, Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида мазкур дастурдан самарали фойдаланиб келинмоқда. Яқин кунларда бўлимларда яна 4 та мини-банкни ишга тушириш борасида иш олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мижознинг банкдаги ҳисоб-рақами орқали бўладиган амаллар тўғрисидаги маълумотларни олиш ва хўжаликдан туриб пул кўчириш имкониятини яратди.

Банк капиталини кўпайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфелининг сифатини яхшилашда аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш катта рол ўйнайди. Буни ўз вақтида англаб етган бошқарма раҳбарияти ва мутахассислари ушбу соҳага катта эътибор билан қарашмоқда. Ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича жойларда бирмунча ишлар амалга оширилди. Реклама ишлари олиб борилди. Оқибатда шу йил 1 август ҳолатига жалб қилинган омонатлар миқдори 2 миллиард 164 миллион сўмга етказилди. Ваҳоланки, йил бошида бу рақам бор-йўғи ярим миллион сўмдан сал зиёдроқ эди. Аҳоли омонатларининг жами кредит қўйилмаларига нисбатан 63 фоизни ташкил қилганлигини ҳисобга олсак, бу борада жуда катта ишлар қилинганлигини кўрамиз. Бу — банкнинг хазина режасининг кирим қисмига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мисол учун ўтган 7 ой ичида у 2,6 мартага ошди. Нақд пул эмиссияси Марказий банк томонидан ўрнатилган 30,5 фоиз ўрнига 23,2 фоизга бажарилди. Корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари иш ҳақи билан ўз вақтида таъминланди. Яъни банк бўлимларида 1 август ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўйилмади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



*Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек туманида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Кўпнинг кучи билан кўчалар, хиёбонлар янада файзли бўлиб, чирой очмоқда. Умуман бу йил мавжуд 50 та маҳаллада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди.*

*Яқинда Улуғбек маҳалласида «Улуғбек чироғи» номи билан аталган маданият-истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Табиийки, бозор шароитида бундай ишларни қисқа муддатда амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бир-бирига ҳамкору мададкор, меҳру оқибатли кишилар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик қудратли куч эканлиги бунёдкорлик ишларида ўз тасдиғини топмоқда.*

***Суратларда: «Улуғбек чироғи» деб номланган маданият-истироҳат боғида.***



*Хабарлар оқимидан*

### МУНОСИБ СОВҒА

Қибрай тумани марказида «Она ва бола» соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилмоқда. Бу ерда бир йўла 120 нафар она ўз фарзанди билан даволаниш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, ушбу шифо масканида туғиш ёшидаги аёллар тиббий текширувдан ўтказилади.

Барча қулайликларга эга бўлган тиббий муассаса мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

### ФЕРМЕРЛАР КЎМАККА КЕЛДИ

Қарши туманидаги Отамурод Очилов номидаги мактабни тўлиқ қайта таъмирлаш ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашни қишлоқдаги фермерлар ўз зиммасига олди.

Ўн саккиз нафар фермернинг ҳар бири мактаб ҳисоб рақамига 50 мингдан 150 минг сўмгача маблағ ўтказиб берди. Маънавият ва маърифат хонаси, ошхона, синфхоналар таъмирдан чиқарилди. Янги стадион, спорт зали қурилди. Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланди.

### ТРОЛЛЕЙБУСЛАР ҚАТНАЙДИ

Нукус шаҳри кундан-кунга чирой очмоқда. Замонавий бинолар, кенг ва равон йўллар, маданий ва маиший иншоотлар шаҳар аҳлига янгидан-янги қулайликлар яратмоқда. Бунёд этилаётган янги троллейбус линияси ана шулардан биридир. У мустақиллик байрами куни ишга туширилади. Ҳозир Марказий бозор билан «Қизкеткен» қўрғони туташтирувчи 15 километрлик троллейбус йўлида сўнгги ишлар адоғига етмоқда.

### ОЙНА ЦЕХИ

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акционерлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. 15 миллион 800 минг евро миқдорида хориж инвестицияси жалб этилган корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди.

Янги цехнинг очилиши муносабати билан корхонада тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда истиқлол йилларида корхона ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, хорижий сармоя жалб этиш борасидаги ишлар хусусида сўз борди.

«Кварц» акционерлик жамияти мамлакатимиз саноат тизимида ўз ўрнига эга. Корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш ойналари, 34 хилдаги шиша идишлар, 16 турдаги банка харидорларга манзур бўлмоқда.

Янги цех автомобиллар учун ойналар, темир йўл вагонлари, меъморчиликда қўлланадиган безакли ойналар ва мебел ишлаб чиқарувчилар учун зарур бўлган чидамли, силлиқ ойна етказиб беради.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар силлиқланган ойна асосан Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардан катта сарф-харажатлар ҳисобга олиб келинарди. Янги ишлаб чиқариш тармоғи бу борадаги оворагарчиликларга буткул барҳам беради.

Корхона Италиянинг «Текинт» фирмаси дастгоҳлари билан жиҳозланган. Бу ерда бир йилда 10 миллион квадрат метр, икки миллиметрдан 16 миллиметргача бўлган қалинликдаги силлиқланган ойна тайёрланади. Шунингдек, ойналарни керакли ўлчам ва кўринишда пардозлаш, ранг, гул солиш имкони мавжуд,

Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ишга тушиши натижасида 260 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги Италиядаги ойнасозлик заводида малака ошириб қайтди. Қолганлари корхонада фаолият олиб бораётган италиялик мутахассислардан янги касб сир-асрорларини ўрганмоқда.

- Мен мамлакатимиз иқтисодиёти, бугуни ва эртаси учун хизмат қилувчи корхона ишчиси бўлганимдан фахрланаман, - дейди шиша пиширувчи Расулжон Мирзақодиров. - Италия технологиясини тез ўзлаштириб олдик. Барча ишларимиз компьютер ёрдамида бажарилади. Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулот жаҳон андозаларига мос.

Цехнинг очилиш маросимида «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси раиси Эркин Акрамов, Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Леопольдо Ферри де Ладзара, Фарғона вилоят ҳокими Алишер Отабоев иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Шифокорлар олис қишлоқларда*

**Оролбўйидаги ижтимоий-демографик вазият оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш учун жиддий чоралар кўришни тақозо этади. Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларидан бири Беруний туманида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш нафақат тиббиёт ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг асосий вазифасига айланган.**

# АЁЛ САЛОМАТ БЎЛСА...

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан туманда дастур ишлаб чиқилган бўлиб, оиланинг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар соғлиғини, туғруқ ёши таркибини яхшилаш, чақалоқлар ўлимини камайтириш каби устивор тадбирлар белгиланди.

151 минг нафар аҳоли яшаётган туманда туғиш ёшидаги аёллар 40383 кишини ташкил этади. Шундан 25 минг нафари қишлоқларда яшайди. Энг олис аҳоли яшаш жойи Қизилқалъа овули марказдан 150 километр узоқликда жойлашган. Яқинда овулга терапевт врач Худойберган Султонов, болалар шифокори Бахтиёр Собиров, акушер-гинеколог Мунаввара Қутлимуродовадан иборат гуруҳ ташриф буюриб, 500 дан ортиқ туғиш ёшидаги аёлни, 1000 нафар ўсмир —қизларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Фуқароларга 313 нафар олий маълумотли врач, 1500 дан ортиқ ўрта махсус маълумотли тиш тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатаяпти. Биз шифохона бош врачи Исмоил Юсупов, жарроҳлик бўлими бошлиғи Бозорбой Ўразалиевни У.Жуманиёзов номли фермер хўжаликлар уюшмаси қишлоқ-врачлик пунктида учратдик. Яқинда «Нур» тиббиёт муассасаси янгитдан қурилиб,замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Улар врачлик пункти жамоаси билан репродуктив саломатлик бўйича суҳбат ўтказишаётган экан.

— Дунёга келган чақалоқни ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш ҳар бир аёлнинг муқаддас бурчидир, — дейди чақалоқлар врачи Эркиной Маримова. — Даставвал ҳар бир аёл ўзини она бўлишга тайёрлаши, ёш гўдакни парвариш қилиш сирларидан воқиф бўлиши керак.

Марказий шифохонада «Ёш оналар мактаби», «Саломатлик дорилфунуни» ва «Ҳомиладорлар мактаби» ишлаб турибди. Туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими билан биргаликда янги турмуш қураётган 300 дан ортиқ ёш келин-куёв тиббий кўрикдан ўтказилди. 14 ёшгача бўлган 55 минг нафар, 1 ёшгача 3037 нафар болалар шифокорлар назоратида турибди.

Ўтган бир йил мобайнида «Қиётобод», «Озод» У.Жуманиёзов номли хўжаликларда 3 та қишлоқ-врачлик пунктлари қурилди. «Гулистон», Беруний номли ширкат хўжаликларидаги тиббий масканлар қайта таъмирланди.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини муҳофазалаш соҳасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим қишлоқ-врачлик пунктлари тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланмаган. Саломатлик марказида видеотехникалар етишмайди. Аҳоли саломатлигини сақлашга доир қисқа метражли кинофильмлар жуда оз. Хусусий фаолият билан шуғулланувчи шифокорлар сони кўпайган эмас. Замонавий контрацепсия воситалари етишмайди.

Булардан хулоса шуки, табиий иқлим шароити мураккаб Оролбўйида оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Мирзачўл туманида Покистоннинг «Мададгар ЛТД» фирмаси билан йилига 3 минг тонна калава ип ишлаб чиқарадиган «Иржар - Текстил» қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонанинг лойиҳа ҳужжатлари «Ўзенгилсаноатлойиҳа» томонидан ишлаб чиқилди. Қўшма корхона фаолиятини амалга ошириш масаласида олиб келиши мўлжалланаётган ишлаб чиқариш технологияси учун 50 миллион АҚШ доллари ажратилди. Умумий лойиҳа ҳаражатлари 4615.3 миллион сўмни ташкил этади. Айни пайтда бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Йил охиригача 5 миллион АҚШ доллари миқдорида қурилиш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

# МИРЗАЧЎЛДА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Туманда саноатни ривожлантириш ва янги ишчи ўринларини ташкил қилиш мақсадида чет эл инвесторлари ҳамкорлигида яна битта корхона барпо этишга киришилди. Хусусан, Россия Федерациясининг «Мел-Инвест» корхонаси ва тумандаги «Ғалаба» фермер хўжалиги ҳамкорлигида бир кеча-кундузда 50 тонна сифатли ун маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган тегирмон комплекси қурилиши бошлаб юборилди.

Айни чоғда корхона қурилиши учун жой танланиб, дастлабки ишлар қизғин олиб борилмоқда. Энг муҳими ушбу иккита қўшма корхона ишга тушгач, 182 нафар ишчи иш билан таъминланади.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

### «ЛОТУС-БУЛУНҒУР» ҚУВОНТИРДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Булунғур туманида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Лотус-Булунғур» қўшма корхонаси иш бошлади.

Корхонада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланиб, тайёрланган консерва маҳсулотларининг бир қисми хорижга экспорт қилинади. Ҳозирча бу ерда 40 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, яна юздан ортиқ ёш ўзига муносиб иш топади.

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ҲОКИМНИНГ НОҚОНУНИЙ КЎРСАТМАСИ

## оқибатида корхона ва тадбиркор иқтисодий зарар кўрди

Боёвут ғишт заводи иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолганди. Вазият корхона салоҳиятини тиклаш, уни тўла қувват билан ишлатиш чора-тадбирларини кўришни тақазо этарди. Шу боис уни масъулияти чекланган жамиятга айлантириш фикри ўртага ташланди. Жамоанинг ўтган йил 21 июн кунги умумий йиғилиши бу таклифни маъқуллаб қарор қабул қилди. Давлат мулк қўмитасининг 2001 йил 26 феврал, вилоят давлат мулки бошқармасининг 20 августдаги буйруғи билан масъулияти чекланган жамият Низом жамғармаси 20 миллион 424 минг 432 сўм миқдорида белгиланган. Шундан 10 фоизи жамоа аъзолари улуши, 90 фоизи биржа савдосига чиқарилган. Ўша 90 фоиз улуш фуқаро Рахмонберди Исоқов томонидан сотиб олинган. Шундан кейин маблағнинг асосий қисми тегишли ҳисоб рақамга тўлаб берилди. Лекин иш бошлаш учун бу етарли эмасди. Чунки жамият Низоми туман ҳокимлиги тасдиғидан ўтиши даркор эди. Бултур мазкур ҳокимликка мурожаат қилинган. Лекин ҳокимликда ҳужжатларнинг барчаси ноқонуний, деган асоссиз айб қўйилиб, рўйхатдан ўтказилмаган.

Бироқ туман ҳокимининг оғзаки берган ваъдасига биноан корхонада иш бошлаб юборилган. Тадбиркорлар ўз ҳисобидан ишчиларга маош тўлаб, фаолиятни изга солган. Аммо, иш бошланган кундан турли тўсиқлар кўпайди. Хусусан, ҳокимнинг кўрсатмаси билан заводга уч ой мобайнида табиий газ бериш ноқонуний тўхтатиб қўйилди. Бунинг оқибатида завод 12 миллион 170 минг сўм, тадбиркор Р.Исоқов эса 369 минг сўм зарар кўрди. Энг ачинарлиси, кўзланган 850 минг дона ғишт ишлаб чиқарилмасан қолиб кетди. Сабр-бардоши тугаган ишбилармонлар вилоят адлия бошқармасига нажот истаб келди.

Текширувларда тадбиркорлар тўла ҳақ бўлиб чиқишди. Етказилган моддий ва маънавий зарар салмоғи ҳам оз эмасди. Аммо эл-юртга манфаат келтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ишбилармонлар яна бир тантилик қилишди. Улар келтирилган зарарни ундириб олишдан воз кечиб, келишув битимига имзо чекишди. Фақатгина қўллаб-қувватлаб туриш уларни қаноатлантиришини билдиришди.

**Абдубакир БОЙСАРИЕВ,**
**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

*Диққат, янгилик!*

# ГЕРАНТОЛОГИК БЎЛИМЛАР

***Кейинги йилларда Наманган вилояти аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида катта ишлар қилинмоқда. Вилоят шаҳар ва туманларида, шунингдек, қишлоқ жойларда қатор янги шифохоналар, инсон соғлигини сақлаш ва узайтириш билан боғлиқ шохобчалар қурилди. Ўринлар сони кўпайтирилди, энг замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Шу билан бир қаторда бу борада кексалар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда.***

Чунончи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, барча шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш идоралари амалдаги йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ушбу йўналишда махсус тадбир тузиб,иш юритаётир. Бу ўринда биринчи навбатда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида герантология бўлими (инсон умрини узайтириш билан шуғулланувчи соҳа) ташкил этилганлиги ва унга энг тажрибали мутахассислар жалб этилганлиги, бундай бўлимлар барча туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари, шунингдек, йирик поликлиникалар қошида иш олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида иш олиб бораётган бу бўлим бошлиғи Муҳаррам Тўранованинг айтишича, герантолог мутахассислар биринчи навбатда тиббиётда инсон умрини узайтириш, хусусан, кексалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ фан янгиликларини ва тажрибаларни диққат билан кузатиб борадилар ва уларни ўзлари ишлаётган жойларда тадбиқ этиш чораларини кўрадилар. Шу билан бир қаторда жойларда қариялар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умуман, герантология хизмати билан боғлиқ ишларни назорат қилиб борадилар. Бизга маълумот беришларича, шу кунда вилоятда ҳозиргача 43 шифокор шу йўналиш бўйича малака ошириб қайтди ва улар жойлардаги герантологик кабинетларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўтган ҳафтанинг охирида Наманган шаҳридаги «Оила» поликлиникасида бўлган кўргазмали семинар ҳам худди ана шу масалага бағишланди. Унда «Тўғри овқатланиш-саломатлик гарови», «Томирлар атеросклерозининг олдини олиш», «Хафақон хасталиклари муолажаси», «Кексаларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш самарадорлигига эришиш», «Кексалар учун алоҳида рўйхатномалар ташкил этиш» каби мавзулар тингланди. Ушбу поликлиника мудири Ойшахон Жалилова таъкидлашича, энди кексалар бошқалар сингари навбат кутиб турмайдилар, тўғридан-тўғри герантология бўлимларига учрайверадилар.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



*Табиат манзараси*

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ЁЗ ГАШТИ

***Тошкент вилоятининг Дукент қишлоғида ногирон болалар учун ёзги спорт оромгоҳининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.***

*Бу ердаги республика ўқув-машғулот базасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 80 нафар бола жорий йилнинг сентябр ойида Алматида ўтказиладиган биринчи Марказий Осиё махсус олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўрди.*

*Ўн кун давомида болалар футбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва енгил атлетика каби спорт турлари бўйича жадал машғулотлар олиб борди.*

*Янги ўқув йилига шаймисиз?*

***Илм масканларини дарсликлар, ўқув услубий қўлланмалар ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш муҳим вазифадир. Шу кунга қадар Қашқадарё вилоятида ўзбек тилида машғулот олиб борилаётган мактабларнинг 91 фоизи дарсликлар билан таъминланди. Мактабларнинг ўқув моддий техника негизини мустаҳкамлашда бюджетдан ажратилган маблағлар билан бирга ҳомийлар ёрдамидан ҳам кенг фойдаланилаётгани ўз самарасини беряпти.***

Ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларга Осиё ривожланиш банкининг кредит маблағлари ҳисобидан 31859115 сўмлик 23727 тахлам китоблар сотиб олинди.

Вилоятдаги умумтаълим мактаблари 1-синф ўқувчиларига бюджет ҳисобидан 125712476 сўмлик

# ҲОМИЙЛАР ТУҲФАСИ

Вилоят ҳокимининг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан сўнг «Қашқадарёкитобсавдо» акциядорлик жамияти томонидан 21 миллион сўмлик дарсликлар олиниб, кам таъминланган оила фарзандларига тақдим этилди. Осиё ривожланиш тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари кутубхона фондига 122915 нусхада дарсликлар олинди.

Ҳомий ташкилотлар таълим масканларига 23 миллион сўмлик дарсликлар туҳфа қилдилар. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Косон туманидаги «Мустақилликнинг 10 йиллиги» мактаби жамоасига 620 минг сўмлик китоблар тақдим этди. Яккабоғ туманидаги Саида Бекмуродова раҳбарлик қилаётган 75-мактабда янги ўқув йили олдидан хайрия марафони ўтказилиб, 1,5 миллион сўм маблағ тўпланди ва унга ўқув қуроллари сотиб олинди. Қарши туманидаги «Ҳилол» жамоа ширкат хўжалиги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 330 минг сўмлик дарсликлар ҳадя қилди.

Косондаги «Қўнғиртоғ» хўжалиги мактабларининг ўқувчилари учун 240 минг, «Гулбоғ» хўжалиги 200 минг, «Ўзбекистон» хўжалиги 200 минг сўмлик дарсликлар олиб берди. Муборак туман молия бўлими бу мақсадлар учун 1 миллион сўм, «Яккабоғ» жамоа ширкат хўжалиги 500 минг, Амир Темур номли хўжалик 750 минг, Қамаши туманидаги «Чим» хўжалиги 450 минг, якка тадбиркорлар Б.Расулов 400 минг сўм, Н.Бўриева 200 минг сўм ажратди.

Тошкентда ишлаётган таниқли болалар шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров ўзи таълим олган Қамаши туманидаги 66-ўрта мактабга 100 минг сўмлик дарслик туҳфа қилди.

Ғузор тумани халқ таълими илм масканларида дарсликлардан фойдаланишнинг ижара тизими тажриба синовидан ўтказилмоқда. Синовда мавжуд 76 та умумий ўрта таълим мактабларининг 22929 нафар ўқувчилари қатнашмоқда. Машғулотлар дарсликлар тўлиқ етказиб берилди. Бундан ташқари ота-оналар томонидан 184974 нусха дарсликлар сотиб олинган.

Таълим муассасалари кутубхоналарида кўплаб ўқув-услубий, оммавий-сиёсий, бадиий адабиётлар мавжуд. Янгитдан 195 номда 84230 нусхада адабиётлар олиниб, жойларга етказилди.

Яқинда Шаҳрисабз ва Китоб туманларида «Мактаб кутубхоналари китоб жамғармаларини тўлдириш ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг баъзи шакллари» мавзуида республика анжумани ўтказилиб, илғор тажрибалар оммалаштирилди.

Мактаблар, малака ошириш институти, мактабдан ташқари муассасалар, методик хоналар ҳузуридаги кутубхоналар ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш, нурхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон педагогика кутубхоналар ассоциациясининг вилоят бўлими ташкил этилди.

**И.ИСОМУДДИНОВ.**

*Билиб қўйган яхши*

## АСТРОНОМИК ГЛОБУС

Осмон бўшлиғи биринчи марта Архимед томонидан эрадан бурунги III асрда тадқиқ қилинган ва илмий таърифлаб берилган эди. Архимед астрономик масофаларни биринчи бўлиб математик ўлчовларда тасаввур қилишга уринган. Юлдузларнинг осмон бўйлаб ҳаракатини намойиш қилиш учун астрономик глобус ясаган олим ҳам шу киши бўлган. Бу глобусни айлантирган чоғда эрталаб ой ботиб кетиб, ўрнига қуёш чиқишини, ой тутилиши сайёраларнинг ўз орбиталарида қандай айланишини кўриш мумкин бўлган. Ана шу глобус охир оқибатда инсонни юлдузлар оламига олиб чиқадиган илмий астрономиянинг биринчи амалий асбоби тарихида ҳам оламшумул аҳамиятга эгадир.

## МИНУТ - МИНУТИГАЧА

Бундан бир неча йил муқаддам археологлар ўтказган қазилмалар пайтида топилган соат 1692 йил 7 июн соат ўн бир-у қирқ уч дақиқада Ямайкада рўй берган зилзила вақтини аниқ белгилашга ёрдам берган. Бу соатни Порт-Роял фожиасидан 6 йил илгари, яъни 1686 йили Блондел деган соатсоз ясаган экан. Қарийб чорак кам уч асрдан буён ана шу соат денгиз остидаги лойқа қатламда ётган бўлса-да, жуда яхши сақланган. Фақат унинг пўлатдан ишланган милларигина чириб, йўқ бўлиб кетган.

Соат қачон тўхтаганлигини қандай билиб бўлади? Гап шундаки, соатнинг ойнаси тўқ эди. Зилзила пайтида кўтарилган оҳакли чанг унинг циферблатига ўтириб қолган. Вақт ўтиши билан унинг миллари емирилиб, йўқ бўлиб кетган.

Аммо бу милларнинг изи соатдаги оҳак чангларидан ҳосил бўлган қатламга тушиб қолган. Рентген нурлари ёрдамида соат милларининг ҳолати аниқлангач, кўҳна соат зилзила бошланган вақтни минут-минутигача аниқлаш имконини берди.

**А.АЛИЕВ.**

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ахборот технологиялари ва интернет бўйича махсус курс тингловчиларига сертификатлар топширилди. Мазкур курс Корея республикасининг ахборот ва коммуникация вазирлиги билан ҳамкорликда кореялик мутахассислар томонидан ташкил этилганди.

Мазкур курсда Жаҳон тиллари университетининг педагог ўқитувчилари ва 40 нафар талабалари компютер асослари, интернет билан ишлаш ва веб сайт тузиш бўйича ўқитилди. Дарсларни Кореядан келган юқори малакали мутахассислар олиб боришди.

Корея ахборот ва коммуникация вазирлиги университетга бир неча дисклар, компютер билан ишлаш учун турли дастурлар ва ўқув қўлланмаларини беғараз ёрдам тарзида топширди. Курсларни тамомлаган талабаларга корееликлар томонидан махсус сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**«Туркистон-пресс»**

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Бизнес ва тадбиркорлик. Муштарак мазмун касб этган бу сўзлар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тез-тез тилга олинмоқда.

Ишбилармонлик билан фаолият юритишнинг илмий ва амалий асослари ҳали атрофлича тадқиқ этилаётгани ҳам қувонарлидир. Бундай изланиш натижаси ўлароқ қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам яратилмоқда.

Бундай адабиётлардан бири «Бизнес ва тадбиркорлик» деб номланди. Фарғона политехника институтининг катта ўқитувчиси Ю.Шокирова томонидан ёзилган мазкур китоб олий ўқув юртлари талабалари учун яхши совға бўлди.

Узлуксиз таълим тизими учун янги адабиётларнинг янги авлодни яратиш концепцияси асосида «Бизнесни бошқариш сирлари» деб номланган қўлланма ҳам юзага келди. Андижон муҳандислик иқтисод интститути профессори А.Абдуллаев муаллиф бўлган бу ўқув адабиётидан бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

*Республикамиз олий ўқув юртларида*

# МАСОФАДАН ТУРИБ... МАЪРУЗА

***«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган тадбирларда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг ҳам алоҳида ўрни бор. Айни пайтда таълим, фан, маданият маркази сифатида ўқув юртининг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Институтда замонавий ва янги педагогик технологиялар самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртларининг илмий-педогогик кувватидан унумли фойдаланиш мақсадида ўқув жараёни блок-модул кўринишида ташкил этилган.***

— Замонавий талаблар даражасида билим бериш мақсадида барча олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалар йўлга қўйилган, -дейди ўқув ишлари бўйича проректор А.Маматқулов. Институтда «Корейс таълим маркази» ташкил этилган бўлиб, унда хорижлик мутахассислар фаолият кўрсатишаётир. Германиянинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Мартин Хаккер ва ДААД жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Э.Портиус иқтидорли талабалар ва олимлар билан суҳбат ўтказиб, немис тилидаги ўқув адабиётларини тақдим этди.

Кези келганда таълим тизимида ўқитувчи-тингловчи ва ўзаро тингловчилар алоқасини йўлга қўйиш мақсадида иккита видеоконференция ўрнатилганлигини таъкидлаш жоиз. У Гулистон ва Қарши давлат университетлари билан бир вақтда масофадан туриб кенг аудитория учун маърузалар, конференциялар ўтказиш имкониятини беради.

Мазкур илм даргоҳида 6 та факультет, академик лицей ва Бизнес мактаби мавжуд бўлиб, жами 4000 нафарга яқин талаба илм-фан сирларини ўрганмоқда. Шунингдек, 100 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона, компютерлар билан жиҳозланган замонавий ўқув маркази, 5 та лингафон кабинети, 21 та ўқув лабораторияси мавжуд. Кутубхона замон руҳидаги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда.

Кейинги йилларда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ижобий натижаларга эришилди. Жумладан,43 нафар ходим нуфузли олий ўқув даргоҳларида малака ошириб, илғор технологиялардан баҳраманд бўлишди. Ёш олимлардан 15 нафари «Устоз» жамғармасининг синовларини муваффақиятли топшириб, ўз мутахассисликлари бўйича АҚШ, Канада, Исроил, Голландия, Италия ва Германияда малака ошириб қайтдилар.

Институтда истеъдодли ёш олимлар ва иқтидорли талабалар клуби ташкил этилган бўлиб, унинг аъзоларидан 24 нафари «Умид» жамғармасининг грант совриндорлари сифатида АҚШ, Франция, Англия, Германия каби мамлакатларда магистратура ва бакалавриат йўналишлари бўйича ўқишга юборилди. 2002 йилда институтнинг яна икки талабаси—Г.Халилова ва М.Алимовлар «Умид» жамғармасининг совриндорлари бўлишди ва улар энди Англиянинг нуфузли университетларида магистратурани ўташади.

Ёшларнинг соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол бўлишлари маъмурият ва касаба уюшмасининг доимий диққат эътиборида. 2 та стадион, 6 та волейбол ва баскетбол майдонлари, тренажёр зали талабалар хизматида, ҳадемай теннис корти ҳам фойдаланишга топширилади. Спортнинг енгил атлетика, волейбол, баскетбол, шарқ якка кураши, оғир атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда «Ёшлик» спорт клуби ташкил қилиниб, унга спорт мураббийлари жалб қилинди.

Илм масканида талаба-ёшларнинг ижодий истеъдодларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Маънавият ва маърифат маркази қошида ташкил этилган ёш сухандонлар тўгараги аъзоси Ҳилола Жўраева «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари» ни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган «Воизлар» кўрик-танловида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида эса «Қизлар давраси» кўрик-танлови ўтказилиб, унда 9 нафар билимдон ва зукко талаба-қизлар иштирок этишди. Танлов натижасига кўра, молия факультети талабаси Нигора Аҳмедова ғолиб бўлди. Маънавият ва маърифат маркази қошида «Наврўз» бадиий дастаси, «Ниҳол» театр студияси ташкил этилган бўлиб, унда 100 га яқин талаба ўз истеъдодларини намоён этадилар.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш даврнинг долзарб масалаларидан бири. Бу борадаги ишларда касаба уюшмасининг алоҳида ўрни бор. Профессор-ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кекса ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, боқувчисини йўқотган талабаларга кўмак бериш мақсадида жорий йилда 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан нафақадаги профессор-ўқитувчиларга 263600 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Янги ўқув йили арафасида барча ўқитувчи ходимлар костюм-шим билан бепул тақдирланиши режалаштирилган.

Илмгоҳ тасарруфидаги вилоятнинг баҳаво ва сўлим Хонобод ҳудудида жойлашган «Умид» оромгоҳида бу йил 300 нафар талаба ва 60 нафар мураббийлар ҳордиқ чиқардилар. Бунга 873 минг сўм маблағ ажратилди. Мазкур ўқув муассасасида миллий мафкура, қадриятларни эъзозлаш ишига барча талабалар, профессор-ўқитувчилар диққат эътиборини қаратиш бугунги кунда таълим-тарбия жараёнини мустаҳкамланиши, етук мутахассислар тайёрлашда ишончли кафолат бўла олади. Шу боис бу ерда амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар «Миллий истиқлол ғояси» тамойилларини талабалар ва профессор-ўқитувчилар онгига сингдириш йўналишида олиб борилмоқда.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ОДДИЙ УСТА ДОВРУҒИ

Шу йилнинг 14-24 июль кунлари Лондон шаҳрида халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик бўйича бутунжаҳон кўргазмаси ўтказилган эди. Унда ўзбекистонлик 8 нафар уста ўз асарлари билан иштирок этди. Улар орасида нукуслик Орзибек Хўжаназаров ҳам бор эди. Кўргазма ташкилотчилари ва меҳмонларнинг эътироф этишича, уста Орзибек ясаган скрипканинг сеҳрли садолари италиялик таниқли скрипка устаси Страдивари скрипкаларининг ноласига монанд экан.

Орзибек оға Хўжаназаров Кегейли туманининг Халқобод шаҳрида туғилган. Ёшликдан устачилик касбига меҳр қўйди. Дастлаб, дурадгорлик билан шуғулланган бўлса, кейинчалик мусиқа асбоблари - дутор, ғижжак, қўбиз ясай бошлади.

Мусиқа асбобларини яратиш ҳар қандай устадан катта маҳорат ва тажриба талаб этади. Ёғочга ишлов бериш сирларини билишдан ташқари, мусиқий истеъдод лозим. Ёғочни танлаш, уни қай фаслда, қай вақтда кесишнинг ҳам аҳамияти бор.

- Мусиқа асбобларига ишлатиладиган лак таркибини беш йил ўргандим. Ниҳоят, ундан ёғочнинг жарангдорлигини ошира диган тарзда фойдаланиш йўлларини билиб олдим. Оркестр учун скрипка ясашни ёшликдан орзу қилардим. Бунга кўп уриндим. Таниқли бастакор, Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театри дирижёри Калбой Тўлагенов яқиндан ёрдам берди,- дейди О.Хўжаназаров.

Шу тариқа мусиқачилар дидига мос, уларнинг талабига ҳар томонлама жавоб бера оладиган скрипка яратилди. Уста ясаган скрипкани чалиб кўрган америкалик скрипкачи Ли Татьяна унга чин маънода харидор бўлиб қолди. Скрипканинг ватани бўлган Европада ҳам бундай жарангдор скрипкани кам учратасиз, дея эътироф этди у. Бу баҳо устага янада ғайрат бағишлади. Натижада Лондон кўргазмасига қўйилган скрипка дунёга келди...

Эллик йил яшаган тут ва кўп йиллик арча дарахтидан қунт билан ясалган бу скрипка Лондондаги кўргазмада машҳур инглиялик скрипка устаси Винсит Паул Манз, туркиялик Хафз Мехметбей томонидан юқори баҳоланди.

Кези келганда айтимш жоизки, Орзибек оға Хўжаназаров меҳнати юзага чиқишида «Адолат» фирмаси раҳбари Ибраим Мирзақуловнинг кўмаги катта бўлди.

**(ЎзА).**

«Савдогар» газетаси жамоаси бош муҳаррир М.Оразмедовга қайнотаси

**Иброҳим АТАЖОНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 719. 1 2 3 4 5 6